

ланган бошқарув ҳисобининг концептуал “конструкцияси”ни белгилаб берувчи муаммолар бо-расидаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни таъ-кидлаш мумкинки, бизнингча, янги илмий йўналиш – бошқарув ҳисобининг инқирозга қарши моделини асослаш бўйича илмий фаразияларни изчил илгари суриш ва амалга оширишга асосланади. Тадқиқотнинг асосий фаразияси бошқарув ҳисобининг амалдаги тизими иқтисодиётдаги инқироз шароитида ташкилий-услубий ту-затишларсиз фойдаланилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги тахминдир. Фаразиянинг таркибий қисмлари тадқиқотда изчил ўрганиладиган қу-йидаги тахминлардан иборат:

- бошқарув ҳисоби – иқтисодиётдаги табиий-эволюцион ва даврий жараёнлар таъсири остида шаклланган мустақил ҳисоб юритиш

йўналиши;

- иқтисодиётдаги танг жараёнлар бошқарув ҳисоби методологиясининг вужудга келишига ҳамижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатган ҳолда ҳисоб юритиш тафаккурининг ривожла-нишига сезиларли таъсир кўрсатади;

- бошқарув ҳисобининг тизимли моҳияти иқтисодий субъект фаолиятининг ўзига хослигини ва уни амалга оширишнинг аниқ моделини белгиловчи микро ва макромухит омилларини конфигурациялашда намоён бўлади;

- инқироз шароитида бошқарув ҳисоби моделининг модификацияланган варианти – имманент воситаларга, шунингдек, ўз тамойиллари, функциялари ва мақсадларига эга бўлган инқирозга қарши вариантини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири). 2016 йил 13 апрель. № 404. www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислоҳотлар ўйланиш қатъий давом эттирамиз” мавзусидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/4743>
3. Малиновская Н.В. Интегрированная отчетность – инновационная модель корпоративной отчетности. / Н.В.Малиновская. // Международный бухгалтерский учет. 2013. № 38. С. 12-17.
4. Когденко В.Г. Интегрированная отчетность: вопросы формирования и анализа. / В.Г.Когденко, М.В.Мельник. // Международный бухгалтерский учет. 2014. № 10. С. 2-15.
5. Эргашева Ш.Т., Хасанова Р.Б. Чет мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2017. – 147 бет.
6. Ergasheva Sh., Ibragimov A.K., Rizayev N.K., Ibragimova I.R. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari. O'quv qo'llanma. – Т.: Iqtisodiyot, 2019. – 227 bet.
7. Ergasheva Sh., Abdusalomova N.B. Boshqaruv hisobi. Darslik. – Т.: Iqtisodiyot, 2019. – 180 bet.
8. Xasanov B.A., Nurmanov K.T., Xasanova R.B. Zamonaviy boshqaruv hisobi. Darslik. – Т.: “LESSON PRESS” nashiriyoti, 2021. 12-b.
9. Абдусаломова Н.Б. Бошқарув ҳисоби тизимининг ривожланиши ва тақомиллаштириши ўналишлари. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy-elektron jurnali. 3-сон, 2019. 45-56-б. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
10. Махсудов Б.Ю. Пахта тозалаш корхоналарида бюджетлаштириши тақомиллаштиришда хориж тажрибасидан фойдаланиш масалалари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 1-сон, 2017. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>
11. Eshonkulov L.A. Industry-based peculiarities of making estimation of expenditure accounting and prime-cost of production at fruits and vegetables processing plant. // International Journal of Research in Social Sciences. 126-135 page. Vol. 10 Issue 03, March 2020 ISSN: 2249-2496 (№5; Global Impact Factor: 0.564).
12. Рожнова О.В. Управленческий учет как глобальная учетная наука. // Учет. Анализ. Аудит. 2015 г. № 6. С. 17-25.



ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тулолов Эркинжон Тўлқин ўғли -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
таянч докторанти

doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a25

Аннотация. Мақолада қурилиш ташкилотларида бошқарув ҳисобини тақомиллаштиришининг аҳамияти тадқиқ қилинган. Тадқиқотлар натижасида қурилиш ташкилотларида бошқарув ҳисобининг муаммолари аниқланган ва уларни бартараф этиши бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: қурилиш, қурилиш ташкилоти, бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб, стандартлаштириш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

ОСОБЕННОСТИ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЕТА НА СТРОИТЕЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

Туловов Эркинжон Тўлқин ўғли -
Докторант Ташкентский государственный
экономический университет

Аннотация. В статье исследовано значимость усовершенствования управлеченческого учёта на строительных предприятиях. В ходе исследований были уточнены проблемы управлеченческого учёта на строительных предприятиях, а также предложения по устранению этих проблем.

Ключевые слова: строительства, строительная организация, управлеченческий учёт, финансовый учет, стандартизация, международные стандарты финансового отчетности.

FEATURES OF MANAGEMENT ACCOUNTING IN CONSTRUCTION ENTERPRISES

Tulovov Erkinjon To'lqin o'g'li -
PhD student Tashkent State University of Economics

Abstract. The article explores the importance of improving management accounting at construction enterprises. In the course of the research, the problems of management accounting at construction enterprises were clarified, as well as proposals for eliminating these problems.

Keywords: construction, construction organization, management accounting, financial accounting, standardization, international financial reporting standards.

Кириш. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида қурилиш тармоғи алоҳида ўрин тутади. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш, ишлаб чиқариш учун замонавий бино ва иншоотларни барпо этишда, коммуникация тармоқларини яратишда қурилиш тармоғининг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2021 йилда Ўзбекистондан жами 107,4 трлн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2020 йилга нисбатан ўсиш суръати 6,8 фоизни ташкил этган [1].

Мазкур кўрсаткичлар қурилиш корхоналари фаолиятининг самарали йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Бироқ қурилиш корхоналарида фаолиятни янада ривожлантириш мақсадида бошқарув жараёнини тўғри йўлга қўйиш ҳамда бошқарув ҳисобини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Илғор хориж тажрибаларига эътибор қаратиладиган бўлса, қурилиш корхоналарида бошқарув ҳисобини ташкил этишда молиявий ҳисбот халқаро стандартларининг (МҲС) айrim қоидаларидан фойдаланиш юқори самара бермоқда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қурилиш корхоналарида бошқарув ҳисобини ташкил этишда юқоридаги жиҳатларга эътибор қаратиш долзарб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Қурилиш ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби, ҳусусан, бошқарув ҳисобини ташкил этиш борасида иқтисодчи олимларнинг асарларида тўхвалиб ўтилган.

Қурилиш корхоналарида бошқарув ҳисобига оид тадқиқотларни АҚШлик иқтисодчи олим Стевен Ж.Петерсен асарларида кўриш

мумкин. Ушбу олим таъкидлашича, “қурилиш компаниялари бошқа компаниялардан фарқ қиласди ва бошқа компаниялар дуч келмайдиган кўплаб ноёб муаммолар ва қийинчиликларга дуч келади. Қурилиш саноати ишлаб чиқариш корхоналари каби маҳсулотлар ишлаб чиқарсада, бинолар, йўллар ва бошқа иншоотларни қуриш бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан фарқ қиласди. Ушбу ўзига хос ҳусусиятлар туфайли бошқа маҳсулот тармоқларида кўлланиладиган бошқарув тамойиллари кўпинча қурилиш саноатига татбиқ этилишидан олдин ўзгартирилиши керак, акс ҳолда улар фойдасиз ҳисобланади” [2].

Бошқа иқтисодчи олимларнинг фикрича, “қурилиш компанияларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш зарур. Зоро, қурилиш лойиҳаларида харажатларни тўғри бошқариш лойиҳанинг муваффақиятида бош омил бўлиб ҳисобланади” [3].

Россиялик иқтисодчи олим Л.Герасимованинг таъкидлашича, “ҳозирги кунда ишлаб чиқариш харажатлари ва қурилиш-монтаж ишларининг таннархини ҳисоблаш бошқарувнинг турли босқичларида раҳбарият талабларидан келиб чиқсан ҳолда шакллантирилади. Бошқача қилиб айтганда, қурилиш ташкилотлари раҳбарлари мазкур масалаларни ўzlари ҳал қилишлари керак. Қурилиш ташкилотининг бошқарув ҳисобида харажатларни бошқариш учун ахборот базаси моделини яратиш вазифаси лойиҳа доирасида алоҳида харажатлар ҳисобини таъминлаш ҳисобланади” [4].

Хитойлик иқтисодчи олимлар қурилиш ташкилотларида бошқарув ҳисобини харажатларни тўғри режалаштириш ва бошқаришга қа-

ратиб, қуидаги хulosага келишган: “курилиш ташкилотларида харажатларни ҳисобга олишдан олдин лойиҳа менежерлари харажатларни бошқаришнинг турли босқичларига ажратишлари ва қурилиш лойиҳасининг ҳар бир босқичдаги барча тадбирларни тарихий тажриба асосида тўлиқ таҳлил қилишлари, барча тадбирларни самарали ва тўлиқ режалаштириш керак” [5].

Руминиялик бир гурӯҳ иқтисодчи олимлар таъкидлашича, “қурилиш компанияларида бошқарув ҳисобини тўғри ташкил этиш бизнес жараёнлар бўйича самарасизликни аниқлаш, қурилиш лойиҳасида харажатларни камайтириш ва жараён натижалари сифатини яхшилашга ёрдам беради” [6].

Умуман олганда, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг асарларида қурилиш ташкилотларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш масалалари ёритилган бўлса-да, бироқ қурилиш соҳасида бошқарув ҳисобининг ахборот таъминотини такомиллаштириш, қурилиш таннархини аниқлаш масалаларига етарлича эътибор қартилмаган.

Умуман олганда, юқоридаги иқтисодчи олимларнинг асарларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш масалалари ёритилган бўлса-да, бироқ қурилиш соҳасида унинг хусусиятлари тўлиқ ёритиб берилмаган.

Тадқиқот методологияси. Қурилиш ташкилотларида бошқарув ҳисобини ташкил этиш қоидалари норматив-хуқуқий хужжатларда ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи қурилиш ташкилотларида бошқарув ҳисобини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бухгалтерия ҳисобининг илмий-методологик аппаратини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Илмий мақолада кўтарилиган муаммони атрофлича таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини тизимлаштириш асосида илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишида индукция ва дедукция, таққослаш, миқдор ва сифат кўрсаткичларни ҳисоблаш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Қурилиш корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлашда даромадлар, харажатлар ва мажбуриятларни бошқаришнинг самарали тизимини яратиш учун ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти натижалари тўғрисида маълумотлар зарур ҳисобланади. Шу муносабат билан қурилиш корхоналарининг молиявий-иктисодий кўрсаткичларини шакллантириш масалаларини ҳал қилишга қодир бўлган самарали бухгалтерия тизимини яратиш, шунингдек, тезкор ва стратегик бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқdir.

Бошқарув ҳисобини шакллантиришга таъсир қилувчи қурилиш соҳасининг хусусиятлари орасида қуидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ишлаб чиқаришнинг давомийлиги;
- қурилиш лойиҳаларининг ўзига хослиги;
- ҳар бир қурилиш лойиҳаси учун лойиҳасмета ҳужжатлари тузиш зарурати.

Амалиётнинг кўрсатишича, қурилиш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби обьектлари бўйича ўзаро мувофиқлик мавжуд эмас; индивидуал шакллантирилган харажатлар тузилмалири қўлланилади; активларни баҳолашнинг турли усулларидан фойдаланилади. Молиявий жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар ҳисоби мавжуд эмаслиги сабабли асосий харажатлар элементларининг ҳар бири ҳар қандай қурилиш бўлинмалари тегиши бўлиши мумкин. Харажатларни ҳисобга олишни ташкил этишдаги яна бир камчилик уларнинг вақт ўтиши билан хужжатлаштирилиши ҳисобланаб, натижада маълумотлар фойдалилигини йўқотади.

Бундай вазиятда такомиллашган ҳисоб тизимини шакллантирмасдан туриб, қурилиш корхонасини самарали бошқариш ҳақида гапириш мумкин эмас. Бундай бухгалтерия тизими халқаро стандартлар талаблари ва тамойилларига мувофиқ шакллантирилган бошқарув ҳисоби тизими сифатида тан олиниши мумкин.

Бошқарув ҳисоби жорий ва стратегик мақсадларга эришиш жараёнида хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш ва бюджетлаштириш, таҳлил қилиш, назорат қилиш ва тартибга солиш учун турли характер-даги маълумотларни тўплаш, идентификация қилиш, ўлчаш, талқин қилиш ва тақдим этишни таъминловчи ахборот тизимиdir.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари тамойиллари бўйича қурилиш соҳасида бошқарув ҳисоби тизимини ташкил қилиш афзалликлари қаторига қуидагилар киради:

- стратегик мақсадларни кундалик бошқарув қарорларига ўтказиши;

- бирламчи ҳисоб обьектларини охиригача деталлаштириш, шунингдек, хўжалик фаолиятининг амалга оширилган операцияларни аниқ акс эттириш имконияти туфайли маълумотлар сифатини ошириш;

- МҲҲСга мувофиқ ҳисботларни тайёрлаш заруратидан келиб чиқиб, бошқарув ҳисоби худди шу тамойиллар бўйича ташкил этилса, уни тайёрлаш учун харажатлар ва вақт камаяди.

Фикримизча, МҲҲС принциплари бўйича қурилиш соҳасида бошқарув ҳисоби тизимини ташкил қилиш камчиликлари қуидагилардан иборат:

- ҳисботдан фойдаланувчилар турли мақсадларни белгилашни тахмин қиладилар;

- МХХС ҳисоботга киритилган маълумотлар таркибини чеклайди;
- бошқарув ҳисоботини тайёрлашнинг узоқ давом этиши ва мураккаблиги.

Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари дастлаб турли фойдаланувчиларга қаратилган ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун иқтисодий маълумотларнинг фойдалилиги мезонига асосланади, шунингдек, ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишининг умумий қоидарини белгилайди, аммо иқтисодий маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашнинг ўзига хос усулларини ўз ичига олмайди. Бухгалтерия ходимлари томонидан стандартларни тушуниш бошқарув ҳисоби ва ҳисоботининг ахборот салоҳиятини оширишга имкон беради, бу эса шакллантириладиган фойдали иқтисодий маълумотларнинг максимал мумкин бўлган миқдори билан баҳоланади.

МХХСдан фойдаланиш бошқарув ҳисоботида ҳар бир рақамнинг аниқ талқин қилини-

шини таъминлайди, натижада молиявий кўрсаткичларни солиштириш осонлашади. Таққослаш натижалари, шунингдек, режалаштирилган ва амалдаги маълумотларни таҳлил қилиш, ўз навбатида, олдиндан режалаштирилган ва тасдиқланган мақсадларга эришиш учун ҳаракатларни ўз вақтида тузатишига имкон беради. Курилиш корхоналарида ягона ҳисобот стандартлари активларни тез ва тўғри бирлаштиришга имкон беради, уларни янада шаффоф қиласи, мулқдорлар ва бошқарув ходимларини стратегик ва тезкор қарорлар қабул қилиш учун етарли таҳлилий маълумот билан таъминлайди.

Бошқарув маълумотларига асосланган фойдаланувчи қарорларининг ишончлилиги бухгалтерия ҳисоби тизими доирасида яратилган маълумотларнинг сифати билан таъминлашини керак. Бошқарув ҳисоби маълумотлари куйидаги талабларга жавоб бериши керак (1-расм).

Тезкорлик	Бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш учун зарур бўлган энг муҳим шартларидан бири. Мазкур талаб орқали ресурслардан оқилона фойдаланиш, харажатларни қисқартириш, бой берилаётган имкониятларни зудлик билан бартараф этишига эришиш мумкин
Манзиллилик	Маълумотлар бошқарувда мансабдор шахслар иерархияси даражасини ҳисобга олиб, муайян фойдаланувчи учун мўлжалланган бўлиши лозим
Мақсадли йўналтирилганлик	Фойдаланиладиган маълумотлар муайян бошқарув вазифаларини бажаришга йўналтирилган бўлиши керак. Кераксиз маълумотлар қарор қабул қилиш учун ахборот оқимларини чеклаб қўяди
Ишончлилик	Ҳар бир фойдаланувчи тақдим этилган маълумотлар хатоликлар, камчиликлар ва ҳар қандай фирибгарликлардан холи бўлишига ишончи комил бўлиши керак
Ўзгарувчанлик	Ахборот корхоналарнинг ташки муҳитидаги ўзгаришлар имкониятларига мослаштирилиши керак, чунки бозор иқтисодиёти ривожланиш ўзгарувчанлиги, кўплаб иқтисодий вазиятларнинг ноаниклиги билан ажralib туради
Рухсатсиз киришдан ҳимоя қилиш ва маҳфийликни таъминлаш	Мазкур талаб бизнеснинг ривожланиши хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланади. Тижорат сири шароитида бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг маҳфийлиги ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бизнес жараёнлари ахборот хавфсизлигини таъминлаш муайян харажатларни, шу жумладан, ушбу маълумотлардан фойдаланишини чеклашдан келиб чиқадиган йўқотишларни қопладиган қўшимча хавфсизлик чораларини таъминлаш харажатларини талаб қиласи

1-расм. Бошқарув ҳисоби маълумотларига қўйиладиган талаблар

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Таъкидлаш жоизки, бошқарув ахборотини шакллантирища халқаро стандартлардан фойдаланиш унинг сифатини яхшилайди ва бошқарув ҳисобининг ахборот чегараларини кенгайтиради. Молиявий ҳисоботнинг баъзи халқаро стандартлари (масалан, “Молиявий инструмент-

лар” номли 9-сонли МХХС ва “Сегментлар бўйича ҳисобот” номли 8-сонли МХХС) бошқарув ёндашувини кўзда тутади ҳамда компаниянинг ички ва ташки ҳисоботлари ўртасидаги кераксиз ва асоссиз фарқларни бартараф этиш имкониятини беради. Бошқарув ҳисоби мақсадлари

учун у ёки бу стандартдан фойдаланишнинг асосланганлиги, биринчи навбатда, корхона фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва хўжалик операцияларининг таркиби билан белгиланади. Қурилиш соҳаси учун “Қурилиш шартномалари” номли 11-сонли МҲҲС қўлланилади.

Бироқ МҲҲСнинг баъзи хусусиятлари қурилиш соҳасида бошқарув ҳисоби мақсадлари учун стандартлардан фойдаланишга маълум чекловлар қўяди. Масалан, халқаро стандартларга мувофиқ молиявий ҳисобот ташқи фойдаланувчиларнинг ахборот эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган. Бошқарув ҳисоботидан фойдаланувчилар, асосан, корхона раҳбарияти ҳисобланиб, уларнинг мақсади фаолиятни оптималлаштириш йўлларини топишдир. Умумлаштирилган маълумотлар бунга мос келмаганлиги сабабли ҳисоботни бизнеснинг маълум бир соҳасига (маҳсулот, йўналиш, операциялар гурӯҳи, бизнес жараёни) сегментлаш керак. Бундан ташқари мавжуд бошқарув ҳисоби тизимида уларни амалга оширишнинг мураккаблиги сабабли халқаро стандартларнинг айрим қоидаларига риоя қилиш ҳар доим ҳам тавсия этилмайди. Корхонани бошқариш даражасида МҲҲСга мувофиқ олинган кўрсаткичлар бошқарув қарорларини қабул қилиш учун мослаштирилади. Тезкор бошқарув даражасида, аксинча, ахборотни бошқарув мақсадлари учун зарур мослаштириш ҳажми жуда кенг, шунинг учун интеграциялашган бухгалтерия маъносиз бўлиб қолади. Таъкидлаш жоизки, МҲҲС талаблари бошқарув ҳисоби учун услубий асос бўла олмайди. Шу боисдан бошқарув ҳисоби тизими молиявий ва бошқарув ҳисоботлари ўртасида қандай фарқлар мавжудлигини аниқ тушунган ҳолда ташкил этилиши керак.

Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш, самарали ҳисоб сиёсатини яратиш, бошқарув ҳисобида ички стандартлаштиришни жорий этиш ва ички ҳисобот шаклларини яратиш орқали бошқарув ҳисобида МҲҲСдан фойдаланишнинг мавжуд чекловларини минималлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Амалиёт шуни кўрсатадики, қурилиш корхоналарида ахборот тизимлари ўртасида маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш бошқарув ҳисобини амалга ошириш харажатларини камайтириш ва ходимларнинг ўзгаришларга қаршилиги билан боғлиқ айрим тўсиқларни бартараб этиш имконини беради.

Шуни таъкидлаш керакки, халқаро стандартлар талаблари ва тамойилларига мувофиқ ташкил этилган молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоби учун ягона ахборот маконини шакллантириш мумкин эмас, чунки уларда турли хил ёндашувлар қўлланилади.

Тадқиқотлар натижасида харажатлар ҳисоби миллий ва халқаро стандартларни тадқиқ этиш давомида қуйидаги тафовутлар аниқланди:

1) Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби тизимидан фарқли ўлароқ, халқаро стандартлар тизими харажатларни тан олиш ва ҳисобга олиш қоидаларини белгилайдиган алоҳида стандартни ўз ичига олмайди. Улар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишнинг асосий талаблари “Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш тамойиллари”да келтирилган. Харажатларнинг айрим турларини ҳисобга олиш масалалари айрим турдаги активлар, мажбуриятлар, фаолият турлари ва йўналишларини ҳисобга олишни тартибга солувчи стандартларда ўз аксини топади;

2) халқаро стандартлар бухгалтерия ҳисобининг миллий қоидаларидан фарқли ўлароқ, харажатларнинг мажбурий таснифини харажатлар сифатида белгиламайди. Корхоналар ҳисоб сиёсатида ўз танловларини белгилаб, харажатларни гурӯхлаш тамойилини мустақил равишда танлайди.

Бундан ташқари МҲҲС корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини ҳисобга олиш учун счёtlар режасини тартибга солмайди ва аниқ тузилмани белгиламайди. Шунинг учун МҲҲСга мувофиқ бошқарув ҳисобини шакллантиришда қурилиш корхонаси ҳисоботларнинг ишончлилигини ошириш ва МҲҲСга мувофиқ молиявий ҳисобот кўрсаткичларини ҳисоблашда тузатувчи ёзувлар ҳажмини камайтириш учун корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятини ҳисобга олиш учун счёtlар режасидан фарқ қилувчи синтетик ҳисоблардан фойдаланишлари мумкин.

Хозирги вақтда бошқарув ҳисоби тизимида маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини ҳисобга олиш асосий ўринни эгаллайди. Демак, бошқарув ҳисоби ички фойдаланувчиларнинг анча тор доирасини ишлаб чиқариш фаолиятини назорат қилиш ва ушбу фаолият натижалари бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлашга қаратилган.

Харажатларнинг турли таснифлари ва уларни ҳисобга олиш усулларидан фойдаланиб, қурилиш соҳасида корхонани бошқаришнинг турли мақсадлари учун зарур бўлган маълумотларни олиш ва харажатларни бошқаришнинг турли хил вариантларини қўллаш мумкин.

Бошқарув ҳисобининг манбаатдор фойдаланувчиларига тақдим этилаётган маълумотларнинг сифатини ошириш учун, фикримизча, қурилиш корхоналарида қурилиш объектининг сифат кўрсаткичлари устидан назоратни таъ-

минлайдиган ички ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиши зарур.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, қурилиш корхоналарида халқаро стандартлар талаблари ва тамойиллари асосида ташкил этилган бошқарув ҳисоби тизими барча бўлинмалар томонидан шакллантириладиган маълумотларни ягона, умумий маълумотлар базасида тизимлаштириш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар. Қурилиш тармоғи иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим драйверларидан бири ҳисобланади. Мазкур тармоқдаги корхоналарнинг фаолияти барқарорлиги уларда бухгалтерия ҳисоби тизимининг тӯғри йўлга қўйилишига бевосита боғлиқdir. Қурилиш корхоналарида мукаммал шакллантирилган бухгалтерия ҳисоби фаолиятдаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф этишга хизмат қиласди.

1. Қурилиш корхоналарида асосий эътибор ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, харажатларни оқилона бошқариш ва таннархни камайтиришга қаратилиши зарур. Мазкур вазифаларнинг ҳал қилинишида қурилиш корхоналарида бошқарув ҳисобини тӯғри ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Қурилиш корхоналарида бошқарув ҳисоби фаолиятни режалаштириш ва бюджетлаштириш, таҳлил қилиш ҳамда тартибга солишга оид масалаларни ҳал этиши лозим.

2. Таъкидлаш жоизки, охирги пайтларда қурилиш корхоналари томонидан МҲҲСга мувофиқ ҳисобот тайёрлашга бўлган эҳтиёж тез суръатлар билан ошиб бормоқда. Бунинг сабаби МҲҲСга мувофиқ тайёрланган ҳисобот барча манфаатдор фойдаланувчиларга ишончли маълумотларни тақдим этади. Шу муносабат билан МҲҲСдан бошқарув ҳисобида фойдаланиш кўпчилик қурилиш корхоналари учун оқилона ечим ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари. www.stat.uz
2. Steven J. Peterson. *Construction accounting and financial management*. Copyright © 2009, 2005 by Pearson Education, Inc., Upper Saddle River, New Jersey 07458. 601 p.
3. Hossein Toosi, ArezouChamikarpour. *A New Cost Management System for Construction Projects to increase Competitiveness and Traceability in a Project Environment*. Revista de Contabilidad - Spanish Accounting Review, 24(1), 31–47. <https://doi.org/10.6018/rccar.357961>
4. Larisa Gerasimova. *Improving cost management in the construction industry: a methodological aspect*. // Amazonia Investiga. Vol 9 No 25 (2020)
5. Jianqiang Tang, Maoping Zhang, Hua Tang, Yuan Chen. *Research on Cost Management of Construction Project based on Activity-based Costing*.// International Conference on Civil, Materials and Environmental Sciences (CMES 2015)
6. Ionica Oncioiu, Sorinel Capusneanu, Dan Ioan Topor, [Ana Maria Ifrim](#), [Ramona Camelia Silvestru](#), [Monica Ioana Toader](#). *Improving Business Processes in a Construction Project and Increasing Performance by Using Target Costing*. // [Business Administration and Business Economics](#). January 1, 2021